

Тошкент ислом университетида мамлакатимизда демократик жамият қуришда Конституциянинг аҳамиятига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини танлайди, янги жамият ва давлат бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга интилади. Юртимиз ҳам ўз истиқлолини қўлга киритгач, неча минг йиллик қадриятларимиз, миллий ва диний анъаналаримизни қайта тиклаб, жаҳоннинг илгор мамлакатлари тажрибасидан фойдаланган ҳолда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга киришди. Утган давр мубоинида бу борада Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида мисли қўрилмаган муваффақиятларга эришилди. Семинарда Бош Қомусимизнинг жамиятдаги аҳамиятини чуқур ўрганиш, аҳоли, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш борасидаги тарғибот ишларини янада кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов сўзга чиқди. (ЎЗА)

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 5 декабр, жума № 188 (1613)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

**Давраларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида гап кетганда. Бош Қомусимизни қадрлаш, ҳурмат қилиш керак, деган фикрлар айтилади. Мен бу мушоҳадаларни тўла қувватлаган ҳолда фуқаролар Ўз Конституциясини севиши керак, унга иқлос, эътиқод қўйиши керак деган гапни қўшимча қилгим келади.**

Нимани ёки қимнидир яхши кўриш учун эса уни жуда яхши билиш зарур. Фуқаро учун Конституциямиз қонулар жамланган китобча эмас, ҳар қаданда яшаш учун керак бўладиган сув, ҳаво, нур каби заруратга айланса, том маънодаги муҳаббатли бугунгиш вужудга келади. ...Ойбаламд тоғли, чекка қишлоқ мактабда муаллимлик қилади. Бу қишлоққа ҳам бутун Конституциямизнинг шиддатли ўзгаришлари етиб келар, деб кўрилади. Аммо ҳадеганда ўзгариш бўлавермайди. Қишлоқда савдо дўкони йўқ, тоғ сўқмоқлари орқали узок қишлоқларга энг оддий заруратлар хариди учун ҳам қатнашади. Тиббий хизмат ҳам, маданий, маиший хизмат ҳам шу ҳолда. Қишнинг қорли кунларида мангалайдан аёз еб арзиман заруратлар учун чарчаб, анча йўл босган Ойбалам марказга шикоят ёзди, ўзидан қўшиб қатмади. Ҳақиқатни ёзди. Тезда комиссия келди, муҳокама бўлди. Шикоят тасдиқланди. Махаллий раҳбарлар ваъдаларни қуюқ қилишди. Аммо комиссия кетгач, Ойбаламда дўк-пўписа бошланди. «Аёл бошинг билан нимага чиранасан? Барибир шу ерда яшасан-ку, ишинг биз билан биттади-ку». Хатто бир кун мактаб директори чакриб: «Ойбалам, болаларнинг бор, ўйнашгани ар-боб билан дейишди. Яхши-си, қўчиб кета қол. Сен ту-файли мактаб ҳам қатталаримиз кўзига ёмон кўриниб қолди», - деди. Ойбаламнинг энди чинакамга аччиғи келди.

«Ўзимга амрикон маҳси, гўжим рўмон, адрас тўн сўрабманми? Сўрасам шу элга яхшилик сўрадим. Мана, қўлимда Бош Қомусимиз - Конституция!»


VIII бобнинг 35-моддасида: «Хар бир шахс бевоқифа ўзи ва бошқалар билан бир-галликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мувожаат қилиш ҳуқуқига эга» деб ёзиб қўйи-

## ҚОНУНДА ҚУДРАТ БОР, ҲАҚИҚАТ БОР

энди таъқиб қилишмапти. Мен эса дарсим ижтимоий эмас, табиий фан бўлса-да, ҳар кун беш дақиқа ўқувчиларимга Бош Қомусдан сабоқ ўтаман. Чунки мени бу гал қонун қудрати суяди.

Ойбалам - ҳақ. Агар фуқароларимиз: «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суяқид қилиш энг оғир жиноятдир» (VII боб, 24-модда) аёқ «Хар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган таъвоулардан, шахсий ҳаётига ара-лашидан ҳимояланиши ва турар-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга» (VII боб, 27-модда) каби ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиб, керак бўлса талаб қила олас, кўп муаммо-лар ечимга келади. Бош Қомусимизга бугунги муносабат кечаги муносабат эмас. Қонунлар қозғандан онга, та-факкурга, сўнгга амалга қараб қораяпти, ҳаракатга келяпти.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IX боб, 41-моддасида «...Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат на-зоратида» деб белгилаб қўйилган. Аммо, ҳозир мак-



табларда бир одат расм бўлган. Баъзи муаллимлар дарс пайтида енгил-ели са-

лаётқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гап-хўрлик қилишга мажбурдилар» (XIY боб, 66-модда) дея муҳрланган қонун бизнинг миллий анъаналаримиз, миллий табиатимиздан келиб чиққан қонундир, - дейди махаллаларимиздан бирида истиқомат қилаётган фаол аёл Лутфилон ая. - Махалла ахлининг ҳайит ҳадларини олиб қариялар уйига борган эдим. Қизлик махалламдаги отамнинг бир ошнасини кўриб хайрон бўлдим. Мунгайиб бир чек-када ўтирибди. Бир эмас, икки эмас, беш фарзанди бор отанинг. Тўрттаси ўғил. «Касалванд бўлиб қолдим», - дейди ота, - менга доимий парвариш керак. Келинларим ишлайди. Қизим ҳам. Ҳаммасиникида нават билан турдим. ...Энди малло келмай деб, шу ерга кела қолдим, беминнат қарашди». Отанинг гапини эшитиб, алланечук бўлиб кетдим. Ҳеч ким қариганда жуфтдан қолмасин. Ўз иш, ташвишлари ўзига етарли фарзандларни ҳам тушун-гандай бўлдим. Аммо ота-онани парвариш этиш инсоний бурддан ташқари бизда фуқаролик бурчи ҳам-ку, нахоти, фуқаролик бурчинини ҳам бажаролмай, бемалол яшайверса одам?»

Лутфилон аянинг сўзларини кўп бор такрорлайман мен ҳам. Айниқса, чикинди, супуриди ташланган сув-нинг, ёқилётган хазонларни кўрганимда. «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳти-ёткорона муносабатда бўлишга мажбурдилар» (XI боб 50-модда) деган зим-мамиздаги бурчи эслайман. - «Нега ўзимизнинг қўлимиздан келадиган мажбуриятларни баъзан бажармай-миз» деган савол келади кўнглимга.

Ҳа, савол ҳам, жавоб ҳам, фикр ҳам ҳаракатдаги хилқат атрофида бўлади. 1992 йил қабул қилиниб, 1993 йил ўзгаришлар киритилган, ўн бир йилнинг хар нафасида ҳуқуқ ва бурчларимиздан оғоҳ қилиб турган Ўзбекистон Респуб-ликаси Конституцияси мутасил иш ҳолатида, ҳаракатда экани, унинг атрофида ўй-кечинмалар уйғонмоқда. Бу уйғониш, ўзгаришлар бардавомдир.

Кутлибека РАХИМБОВА

боқ ўтади. Имонияти яхши оила болаларига ўзгача кўз билан қарайди. Чорак якунига оз қолганда ота-онасини чақириб, «Болангиз» «4» ёки «5» олиши учун қўшимча дар-са келиши керак, дарс пул-ли», дейишди. Фарзандини яхши ўзлаштиришини истаган ота-она пулли са-боққа рози бўлади.

«Холбуки, бу оддий хато, камчилик эмас, қонунга риоя қилмасликдир, дейди қунон-боя билан муаллима Халима. - Мен бу масалани пе-дагогика кенгашида кўтариб чиқмоқчи бўлдим. Аммо ҳам-касбарим: «Бизнинг дарсома-димиз - шу. Ўзингиз қарам-деш бўлиб, бизни шундан ҳам маҳрум қилмоқчимиз!» дея хаффа бўлишди.

Қонун тарғиботчиси зиё-лилар бўлиши керак, назари-мда. Мен Ҳалимахононинг фикрларига қўйилмаган ва фуқароларимизнинг ўз та-швишларидан юқори кўтари-либ, қонулар олами ҳақида қунонаётгани мен учун жуда ёқимли. Шундай қайфиятга Конституциянинг қабул қили-нанига 11 йил тўлаётган тан-танали кунларда кўп бор дуч келяпмиз.

«Вояга етган, меҳнатга

## ЮРИЙ ШЕВЧЕНКО: «ЎЗБЕКИСТОНДА КЎРГАНЛАРИМ МЕНИ ҲАЙРАТГА СОЛДИ»

Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазири, академик Юрий Шевченко бошчилигидаги Россиянинг йирик тиббий марказлари ва илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлик делегацияси мамлакатимизда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсарой қароргоҳида РФ соғлиқни сақлаш вазири Юрий Шевченко ва делегациянинг бошқа аъзоларини қабул қилди. Давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш соҳасида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланишидан мамнуният билдирди. Ўзбекистон ва Россия соғлиқни сақлаш вазирилари ўртасидаги ҳамкорлик кенгайтир-гани ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилаётгани таъкидланди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган давлат дастурининг амалга оширилаётгани бун-да муҳим омил бўлмоқда. Республика ш-шилчин тиббий ёрдам хизмати ва унинг барча вилоят, шаҳар ва туманлардаги бўлимлари ташкил этилди. Қишлоқ врач-лик пунктлари негизидан бирламчи тиббий ёрдам тизимини шакллантириш давом эт-моқда. Барча ҳудудларда Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институтини бўлимлари ишлаб турибди. Иختисослаш-ган илмий-тадқиқот институтлари ва со-ғлиқни сақлаш ташкилотлари базасида жарроҳлик, кардиология, урология, кўз микрожарроҳлиги тиббий марказлари таш-кил этилди.

Россиянинг етакчи марказлари ва ш-фоҳоналарда мамлакатимиздан 550 на-фар мутахассис қайта тайёрларилган ўтди ва малакасини оширди. Илмий аҳо-рот алмишуви ҳам йўлга қўйилган. Са-нитария-эпидемиология вазиятини назо-рат қилиш мақсадида икки мамлакат дав-лат санитария-эпидемиология назорати органлари ўртасида доимий алоқа ўри-тилган. Республикаимизнинг иختисослаш-тирилган тиббий марказлари, қўнгина туман марказли касалхоналари ва қишлоқ врач-лик пунктлари энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Сўнгги йилларда Рос-сиядан тиббий аппаратура ва жиҳозлар харид қилинган.

Россия делегацияси аъзолари Ўзбеки-стон тиббиёт соҳаси вакиллари билан ў-рашувлар ва мамлакатимиз Соғлиқни сақ-лаш вазири раҳбарияти билан музока-ралар ўтказди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ва Россия Фе-дерацияси Соғлиқни сақлаш вазириги

ўртасида ўзаро ҳамкорликни давом эттири-шга оид беш йилга мўлжалланган битим им-золанди.

Меҳмонлар Республика шовилич тиббий ёрдам маркази, урология, академик В.Вохи-дов номидаги жарроҳлик, кўз микрожарроҳ-лиги каби иختисослашган марказлар, рес-публика клиник офтальмология касалхона-си, Мудофаа вазириликнинг марказий ҳар-бий госпиталига ташриф буюрди. Жиззах ви-лоятда соғлиқни сақлаш ва таълим тизи-мидаги ислохотларнинг бориши билан та-нишди. Россия делегацияси аъзолари ма-млакатимиз аҳолиси саломатлигини муҳофа-за қилиш соҳасида амалга оширилаётган да-волаш-ташхис, илмий-тадқиқот ишларини, кадрлар тайёрлаш борасидаги фаолиятни, халқаро ҳамкорлик йўналишларини батаф-сил ўрганди.

Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш ва-зири Юрий Шевченко республикаимиз соғлиқ-ни сақлаш тизимидаги аҳоли ва ютуқлар билан танишишдан олган таассуротлари билан ўртоқлашар экан, юксалиш жараёни жадал сўрабларда кечаётганини алоҳида таъкид-лади.

Сўнгги йилларда биз Озарбайжон, Ар-манистон, Грузия, Молдова каби мамлакат-ларнинг соғлиқни сақлаш соҳаси билан ба-тафсил танишиб, уларда бу борада асосий эътибор бундан ўн-ўн икки йил бурунги да-ражага сақлаб қолишга қаратилганнинг гувоҳи бўлдик, - деди у. - Улардаги аҳоли билан тақдослаганда, Ўзбекистонда бу бо-рада амалга оширилаётган ишлар мени ҳай-ратга солди. Одамлар фйрат-шиҳоят билан, ишинг қўзини билиб меҳнат қилмоқда. Биз ислохотлар жараёнида асосий эътибор ш-шилчин тиббий ёрдам тизимига қаратилган-ини юқори баҳоладик. Бу тизимдан ҳамма фойдаланади ва шу боис унинг ижтимоий аҳамияти катта. Соғлиқни сақлаш соҳасида барқарор, салмоқли ўсиш таъминланган, бу эса ўз навбатида бошқа соҳалардаги исло-хотлар суръати ва натижалари билан чам-барчас боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш концепциясининг самардорлиги, танланган йўлни тўғрилигидан дололтир-ди. Бу улугвор ишларнинг барчаси гоят дониш-мануд ва узокни кўриб иш юритувчи раҳбар -Президент Ислам Каримовнинг бевоқифа раҳнамоллиги остида амалга оширилмоқда. Энг муҳими, Ўзбекистонда барча хайрли иш-лар босқичма-босқич, изчиллик билан, чин дилдан астойдил амалга оширилмоқда.

А.ИВАНОВА, ЎЗА мухбири

### Хабарлар оқимидан

#### ЖИЗЗАХ ЗАРДЎЗИ - ЧЕТ ЭЛЛАРДА

Воҳанинг энг яхши хунарманди, «Шухрат» медали со-ҳибаси Гулнора Бозоровани чет элларда ҳам таний бо-лашди. «Тадбиркор аёл» вилоят ассоциацияси орқали Исроил давлатига миллий хунармандчилик буюмлари - олтин нусха гиламлар, келин-куёвлик либослари, бош-оёқ кийимлари, жойномозлар тақдим этди. Шунингдек, Германиялик, японияликлар ҳам бу қадимий хунар да-вомчилари меҳнатига қизқиш билан қарашмоқда.

#### ТАЪМИРЛАШГА 30 МИЛЛИОН

Бўжа туман халқ таълими бўлими ҳамда таълим ва фан ходимлари касаса уюшма кўмитаси мактабларни куз-ги-қишқи мавсумга тайёрлаш, ишловчиларнинг меҳнат шартларини яхшилашга катта эътибор қаратди. Шу мақ-садда 5-, 34-мактаблар, 1-болалар боғчасини таъмир-лаш ишлари тўла тугалланди. Шунингдек, 2-,16-мактаб-ларнинг иситиш тизимлари капитал таъмирдан чиқарил-ди. Ўқув ва тарбия муассасаларида олиб борилган таъ-мирлаш ишларига 30 миллион сўмга яқин маблағ сарф-ланди.

Шуниси эътиборлики, туман халқ таълими бўлимига қарашли 74 муассасанинг 30 таси табиий газдан фойда-ланмоқда. Қолган 44 та таълим-тарбия муассасаси эса суюқ ёнилги ва кўмир ёрдамида иситилмоқда. Бу ҳолат ёз ойларидаёқ ҳисобга олиниб, 2000 тоннадан ошқ кўмир ёқилгиси таълим масканларига етказиб берилди. Синф деразалари тўла-тўқис бутланди. Хуллас, ўқувчи-лар киши мавсумни шинам ва иссиқ синф хоналарида ўтказадиган бўлишди.

#### ҚАДИМИЙ ХУМ

Жиззах шаҳрининг «Урта Сўлоқли» маҳалласида исти-комат қилувчи Ихтиёр Донабоев томорқасидан хум то-пиб олди. Хумнинг баландлиги 1 метру 84 сантиметр, айланаси 1 метр 65 сантиметр. Уни вилоят ўлкашунос-лик музейига беришди.

#### ХОНАДОНЛАРГА ИЧИМЛИК СУВИ

Жиззах шаҳридаги «Қалия» маҳалласи марказида ичимлик суви қудуги қазилди. Бу ишни «Оби ҳаёт» ЛТД фирмаси амалга оширилди. Эндиликда маҳалланинг 400 хонадонига тоза ичимлик суви билан таъминланди.

#### ЯНА БИР ЯНГИ МАКТАБ

Қизилқум бағридаги Томди тумани қишлоқлари йил сайин чирой очиб бормоқда. Кейинги икки йилда туман-да қишлоқ ҳўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежи, 5 минг кишига хизмат кўрсатадиган қишлоқ врачлик пу-кти, 10 оилага мўлжалланган турар-жой биноси қад р-стлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилин-ганлигининг 11 йиллиги арафасида туман марказида 422 ўринли янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Уни «Саноатомат» ишлаб чиқарши корхонаси қурувчи-лари бунёд этди.

«Ишонч» ва ЎЗА мухбирлари

### ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Таълим ва фан ходим-лари Ромитан туман кўмитаси халқ таълими бўлими билан ҳамкорлик-да Обод маҳалла йили муносабати билан соҳа ходимлари спартакиада-сини ўтказди. Эраклар ва аёллар ўртасида етти спорт тури бўйича жой-ларда ўтказилган босқич голиблари 2-мактабда бўлган якуний мусобақа-да иштирок этишди. Во-лейбол бўйича 14-, бас-кетбол бўйича 14-, кураш бўйича спорт-интернат, шохмат бўйича 10-, шаш-ка бўйича 28-мактаб жа-моалари голиб деб то-пилди.

Мусобақа голибларига ХТБ ва касаса уюшма кўмитасининг қимматбаҳо мукофотлари топширил-ди.

Я.САРИЕВ, «Ишонч» мухбири

### ТИНЧЛИК САРИ ХАЙРЛИ ҚАДАМ

Швейцариянинг Женева шаҳри-да тинчлик сари хайрли қадам қўйилди. Гап шундаки, куни кеча бу ерда Исроил ва Фаластин му-хторияти жамоатчилиги вакиллари катта анжуманда учрашдилар. Улар Яқин Шарқ можаросини тинч йўл билан ҳал этиш режасини му-ҳокама қилдилар. Мазкур муло-қот «Женева битими» деб аталди. 50 сатифали ушбу ҳужжатда «Йўл харитаси» деб юритилиб келина-ётган дастур ўз ифодасини то-пди. «Женева битимини ишлаб чи-қишда Исроилнинг собиқ адлия вазири ва Фаластиннинг собиқ ах-борот вазири катта фаоллик кўрсатдилар. Имзо чекиш маро-симини АКШнинг собиқ президенти Жимми Картер очди.

«Женева битимини» АКШ дав-лат котиби Колин Пауэлл, Брита-ния бош вазири Тони Блэр, Миср

### САЙЁРАМИЗ САДОСИ

президенти Хусни Муборак, БМТ бош котиби Кофи Аннан қўллаб-қув-ватлаганликларини билдирди.

#### ЯПОНИЯ ЙЎЛИ ЎЗГАРМАС

Яқинда Ироқнинг Тикрит шаҳри-да Япониянинг икки нафар дипло-мати ҳалок бўлган эди. Бу ҳолат бо-ефта Токонинг Ироққа ўзининг му-доффа қуларини юборишига тасвир қилиши турган гап, деб қаралмоқда эди. Хукумат раиси Я.Фуқуиди ҳам шундай фикрни билдирди. Мамла-кат аҳолисининг 80 фоизи Япония қўшинларини Ироққа юборишга но-розилик билдирмоқда.

Шундай вазият вужудга келишига қарамай, бош вазир Дзюнэитиро Ко-идзуми Япониянинг бу борадаги йўли ўзгармайди, Ироқни тиклаш ишига биз ўзимизнинг ҳиссамизни

вий юксак, ватанпарвар ва миллий қадриятларимизга со-дик фарзандлар этиб тарбия-лашда кўпчиликка намуна бўлмоқда. Хусусан, унинг бу борадаги ўзига хос иш услуби кўплаб мутахассислар эътиро-фига сазовор бўлаётир.

Унинг фикрича, дори-дармонлар, ушбу касалликнинг олдини олиш, махсус дастурларни амалга татибқ этиш, шифокор ва ҳамширалар ма-лакасини ошириш учун маблағлар етишмаяпти. Бу ҳолатдан чиқш учун барча мамлакатлар имкониятларини бирлаштиришлари лозим. Шунда ин-соният ютиб чиқади, деди бош ко-тиб.

#### ОЧ БЎРИДАН ҚОЧ

Ингуштонининг Али-Юрт қишло-қида кеч пайти олти яшар болага оқ бўри ҳужум қилиб, санокли дақиқа-ларда уни ғажиб ташлади. Уша тун-да бурилар катта қишларга ҳам таш-ландилар. Сурхахи қишлоғида уч киши қурбон бўлди. Кўтарилган ва-ҳимдан сўнг милиция ходимлари, оғчилар, маҳаллий аҳоли бўриларни қидириш ва тутиш ҳаракатига туш-дилар.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

### Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон ва Япония ҳукумати ўртасидаги ҳамкорлик доирасида таълим соҳасида беғараз молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича грант шартномаларини имзолаш маросими бўлди.

#### ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Ҳужжатга қўра Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳ-ридаги 2-, 28- ва 8-мак-таб, Мирзаобод туманида-ги 10-ўрта мактабини ўқув ҳамда техник воситалар билан таъминлаш мақсади-да қарийб 174 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилиш кўзда тутилган.

Маросимда Япониянинг Ўзбекистондаги Факулуд-да ва Мухтор элчиси Акио Кавато иштирок этди.

#### ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлиси Иктисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмита-сининг йилгилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Маж-лис депутатлари, те-гишли вазирилик ва кўмиталар, идора ва ташкилотларнинг раҳ-барлари, мутахассис-лар иштирок этди.

Қўмита раиси М.Умар-лиев бошқарган мазкур йилгилишда Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети лойиҳаси атрофида му-ҳокама қилинди. Таъкид-ланганидек, келгуси йил-ги бюджет лойиҳасининг ўзига хослиги иктисоди-ётимиздаги солиқ юқини янада камайтириш асоси-да мамлакатимиз иктисо-диётини барқарор ривож-лантиришга, реал даро-мадни ошириш ва аҳоли-нинг турмуш даражасини янада юксалтиришга усту-вор вазифа сифатида ён-дашилганидир.

Йилгилишда қўмита то-монидан сессия муҳока-масига киритилаётган Ўзбекистон Республикаси-нинг «Муҳофаза чора-лари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»-ги ва «Хусусий корхона тўғрисида»-ги ҳамда «Электрон тижорат тўғрисида»-ги қонун лойи-ҳалари ҳам муҳокама этилди.

Иккинчи чакриқ Ўзбеки-стон Республикаси Олий Мажлисининг ўн ик-кинчи сессиясида бирин-чи ўқишда маъқулланган «Муҳофаза чоралари, ан-тидемпинг ва компенса-ция божлари тўғрисида»-ги ва «Хусусий корхона тўғрисида»-ги қонун лойи-ҳалари умумхалқ муҳока-маси учун эълон қилин-гандан кейинги ўтган вақт мубоинида вазирлик, идо-ра, корхона ва ташкилот-лардан 220 дан зиёд тақ-лиф ва мулоҳаза келиб тушгани қайд этилди.

#### ШАҲАРСОЛИК МАДАНИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Юртимиз шаҳарлари-нинг қиёфаси тубдан ўзгариб, янада қўрқамла-шиб бормоқда. Айни вақт-да уларни замонавий шаҳарсозлик ва мезмор-чилик анъаналари асоси-да ривожлантириш давом этмоқда. Бу борада эт-ник тарихи ва демогра-фия муаммолари, саноят ва ишлаб чиқаришни жойлаштириш қатъий ҳисобга олинапти.

Ўзбекистон Бадий Академияси санъатшў-нослик илмий-тадқиқот институтида ташкил этил-ган «Ўзбекистон урбани-стик маданияти» мавзуси-даги халқаро илмий ан-жуманда ана шулар ҳақида сўз борди. Унда жамият ривожиди шаҳар-ларнинг шаклланиш тари-хи ва ўзига хослиги, исти-қболини белгилашга оид масалалар муҳокама этилди.

(ЎЗА)

# КОНСТИТУЦИЯ – ҲАЁТИМИЗ ПЙДЕВОРИ

**Бош Қомусимизнинг ўзига хос хусусиятлари-дан бири қадриятларимиз ва миллий тафаккуримизни ўзида акс эттирганлигидир. Унда адолат ва ҳақиқат, халқимизга хос бағрикенглик ва меҳр-муҳаббат, олижаноблик каби улғу фазилатлар муносиб ўрин олган. Зеро, Президентимиз айтганларидек, «Хар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир».**

Демократик, инсонпарвар жамият барпо этилаётган мамлакатимизда қонун устуворлиги таъминланган. Бинобарин, республикада ер, мулкчилик, тадбиркорлик, кооперация, ишлаб чиқариш объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, ижара, аҳоли бандлиги, деҳқон хўжаликлари, меҳнат муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар, Меҳнат, Фуқаролик Кодекслари ва бошқа ўнлаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, уларнинг барчаси халқроқ ҳуқуқий мезонларни ўзида мужасамлаштирган.

Ҳар қандай мамлакатнинг тарихида қадар жамоа шартномаларини қабул қилган. Амалдаги меъёрий ҳужжатларда ишчиларга қулай иш шартлари яратиш, меҳнатга яраша муносиб рағбатлантириш, соғломлаштириш ва дам олиш каби ўнлаб муҳим масалалар ижроси иш берувчида мажбурий тартиқда оқлатилган.

Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларида аёлларни ҳар томонлама



ҳимоя қилиш билан оилани мустаҳкамлаш, соғлом авлодни шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борда туманимизда қатор амалий ишлар бажарилди. Тармоқда меҳнат қилаётган 3545 нафар хотин-қизнинг иш куни бир соатга қисқартирилди. Туман қасаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан 204 нафар соҳа ҳодими фарзандлари тоғ ёни бағирларида жойлашган «Бешибулок», «Хонқизил», Собир Раҳимов номли болалар оромгоҳларида бепул дам олдилар. Харажатларнинг 40 фоизи ижтимоий сугурта бадалли ҳисобидан, 60 фоизи эса ота-оналарнинг иш жойлари мазмурияти томонидан қопланди.


Ишчи-ҳодимларни соғломлаштиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Жумладан, «Наврўз» ширкат хўжалиги ишчиси Жума Зиёқуллов, «Сурхон» давлат қўрқонхона ҳодими Собир Норкулов, «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги ишчиси Магала Чориев каби 20 нафар қасаба уюшма аъзоси «Ботаника», «Бўстон», «Чинобод» сihatтоҳларига дам олиб, саломатликларини тиклади. Шунингдек, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳодими Абдураим Сафаров, «Баҳористон»

ширкат хўжалиги ишчиси Гулалас Қаюмова сингари 40 нафардан ортиқ меҳнатқашлар вилоят миқёсидаги сihatтоҳларда даволанишди. Бундан ташқари, тармоқ қўмитаси томонидан кам таъминланган, соғлиги ёмонлашган Мопар Ражабова, Панжи Хидировларга сihatтоҳларда дам олиб, саломатликларини тиклашлари учун бепул йўлланмалар берилди. Шунингдек, Н.Муродов номли, У.Туропов номли, Э.Бердиев номли ҳамда «Ўзбекистон» ширкат хўжаликлари қасаба уюшма қўмиталари ҳисобидан халқ таълими бўлимига қарашли «Офтобча», «Қалдирғоч», «Истиклол» ва «Болалар қувончи» мактабгача тарбия муассасаларининг спорт майдончалари таъмирланди.

Обод маҳалла йили муносабати билан У.Туропов номли ширкат хўжалигида туман қўмитаси ташаббуси билан «Обод хонадон» кўрик-танловни ўтказилди. Танлов ғолиби Тоғаймурод Холмуродов хонадонига қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, қишлоқ ёшларининг спартакиадаси ўтказилиб, унда 218 нафардан ортиқ 14 ёшдан ошган спортчилар футбол, волейбол, шохмат, шашка каби спорт турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Футбол мусобақасида «Наврўз» ширкат хўжалиги, волейбол бўйича Н.Муродов номли, шохмат мусобақасида «Тиллақон» ширкат хўжаликлари спортчилари ғолибликни қўлга киритиб, фахрий ёрлик ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Қўмитамиз ташаббуси билан 8-декабрда Ўзбекистон Конституциясининг 11 йиллиги ва «Обод маҳалла йили»га бағишлаб спортнинг 8 тури бўйича спартакиада мусобақалари ўтказилди. Ғолибларга 450 минг сўмлик қасаба уюшма совғалари улашилди.

**Гулбахор ПОЁНОВА, Шеробод туман агросаноат мажмуи ҳодимлари қасаба уюшма қўмитаси раиси**



Сурхон воҳаси мустақиллик йилларида киши таниб бўлмас даражада ўзгарди, чирой очди. Бунёдкорлик самараси ўлароқ қўллаб маданий-маиший, илмий-ўқув муассасалар қад ростлади, шаҳар, қишлоқ ва маҳаллалар ободонлаштирилди. Жумладан, вилоят маркази Термиз шаҳрида шарқ ва ғарбнинг меъморий услублари асосида қурилган ажойиб архитектура намуналари бугун қадимий шаҳар ҳуснига хос бағишлаб турибди.



Суратларда: (чап-да) буюқ муҳаддис Ал-Ҳаким ат-Термизий эътирозига мана шу дарвоза орқали борилади; салобатли Термиз қурали. Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар

**Тўланбой Қўшоқовни ишхонасида учратиш мушкул. Боиси кўпинча ноғиронлар ташвишида қуёниб юрган бўлади. Бир гал Хўжабоддаги маҳаллада дуч келдик. Туман ижтимоий таъминот бўлими ходими билан меҳнат фахрийси хонадонини чиқиб келаятган экан. Билсак, тўшқанда ётиб қолган отахон кўнгли олинбиди. Қуни кеча Булоқбоши туманидаги иккинчи жаҳон уруш ноғирони Назирқон Сулаймоновни йўқлагани борганди. Ёнига қишлоқ шифокорини олиб, отахонни тиббий кўриқдан ўтказдири. Дорихонага кириб, отани бепул дори-дармон олувчига рўйхатга киритди.**

Бундай кишиларнинг нимасидир одамларни ўзига тортади. Тўланбой ака дилкаш, оқкўнгли, доим юзидан нур ёғилиб туради.

Бироқ шундай инсонлар ҳам қимматлиларидир «ёқмай» қоларкан. 2003 йил январ ойида Тўланбой Қўшоқовни Республика Ноғиронлар жамиятига чақириб қолдишди. Мутасаддилардан бири қўққисдан

— Фаолиятингиз бизга маъқул эмас, индан кетиш ҳақида ариза ёзинг! Бўлмасам, бошқача йўл тутамиз, — деди. Тўланбой ака кутилмаган муомаладан бўшашиб, нима деганини билмай қолди. Аслида вилоят ноғиронлар жамияти раисини ишдан озод қилиш масаласи аввало раёсатда қўрилиши керак.

— Бўшатишимизга сабаб борми? Бошлиқ оғиз очишга йўл қўймади. Мажбуран ариза ёздадириб олди. Шундай қилиб, Т.Қўшоқов Андижон вилоят ноғиронлар жамияти раислигидан ноқиронли тарзда бўшатилади.

Янги бошлиқ Ойбек Абдурахмонов бироз вақт

## Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

Ҳар йили меҳр-муруват ойлиги ўтказиш анянага айланган. Булоқбоши туманида бўлиб ўтган тадбирга туман ҳокими А.Жалиловнинг ўзи бош-қош бўлди. Ҳоким бошчилигидаги гуруҳ уруш ва меҳнат ноғиронлари оиласида

кинчи жаҳон уруши иштирокчиси, марҳум Кўчкор Турдиевнинг рафиқаси, меҳнат ноғирони Ибтидоҳон Кўчқоровага соғин сиғир берилди.

Жамият бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, ноғиронлар соғлигини мустаҳкамлаш ва уларни фаол ҳаётга қайтаришга алоҳида эътибор берилади. Асака шаҳридаги жамиятга қарашли тўқув цехи самарали фаолият юритмоқда. Цех турли хилдаги пайпоқлар ишлаб чиқаради. Ишлаб топилган соф фойданинг асосий қисми цехларни янада кенгайтириш ҳамда ишчиларнинг ижтимоий ҳимоясига сарфланмоқда. Бугунги кунда цехда 30 нафар III гуруҳ ноғирони меҳнат қилмоқда. Илғорлар қўшимча иш ҳақи ва устамалар билан рағбатлантирилмоқда. «Дўст» фирмаси биналорда енгил пардозлаш ишлари юзасидан хизмат кўрсатишга ихтисослашган бўлиб, буюртмалар сонини ортиб борапти. Натижанда даромад ҳисобида қўшимча 10 та иш ўрни яратилди.

Ноғиронликни олдини олиш ва уни даволаш бўйича 50 ўринли реабилитация-жонлантириш маркази ишлаб турибди. Дори-дармон таъминоти ҳамда даволаш ишлари яхшилини борилаяпти.

**С.РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

## ТОВАР ҚАНДАЙ ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ?

**Тошкентда мамлакатимизда товарлар экспортини мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий негизини тақомиллаштириш муаммоларига бағишланган семинар ўтказилди. Унда таъкидланишича, Ўзбекистон икки томонлама битимлар доирасида жаҳоннинг 38 мамлакатини билан энг қулай савдо тартибини тақдир этди. МДХнинг 10 та мамлакат билан эса эркин савдонини ўрнатди.**

Мазкур тадбир «Markazy Osiyo Sarqazastn Tur» МЧЖ томонидан ташкил этилди. Унда хусусий тадбиркорлар ҳамда Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси ва Таъкид иқтисодий алоқалар агентлиги мутасаддилари иштирок этиди.

Тадбирнинг асосий мақсади тадбиркорлик тузилмаларини божхона қўчилигида юз берган кейинги ўзгаришлар, юртимиз божхонада расмийлаштириш ва бож тўловларининг ўзига хос томонлари билан таништиришдан иборат эди. Бундан ташқари, экспортга қўмақлашувчи, у билан боғлиқ муаммолар ўрнини чиқарди.

Учрашувда сўзга чиққан Давлат божхона қўмитаси мутасаддилари экспорт ва импортни мувофиқлаштириш шартлари ҳусусида сўз юритдилар. Маълумки, республикада тўловнинг уч тури, яъни бож тўловлари, қўшилган қиймат ва акциз солиғи амал қилади. Шунингдек, божхона расмийлаштиришда товар нархининг 0,2 фоизи миқдорда ийғим олинади.

«Ўзбекэкспертиза» республика хўжалик бирлашмасининг бош директори Эркин Назаров келтириб беришга асосан сертификатлашнинг ўзига хос жиҳатлари билан таништирди. Унинг айтишича, тижоратчилар юртимиз келтиришга баъзан сохта сертификатлардан фойдаланишди. Бу қонунчи бўлиш ҳисобланади. Қўнунбузарлик эса сўзсиз жиноий жавобгарликка олиб келади.

**«Туркестон-пресс»**

## Тадбиркорлик — давр талаби БУ ЎЗИМИЗНИНГ МЕБЕЛИ!

Бозор муносабатларининг ўзига хос талаблари, синновлари бор. Улар билан ҳисоблашмай иложингиз йўқ. Шулардан бири тадбиркорлик билан иш юритишдир. Бу ҳолатни мудом ёдда тутиб, шу асосда меҳнат қилаётганлигиниз учун ютуқлариниз кўпаяпти.

Тўғриси, аввалга ишимиз ҳадеганда юришиб кетавермади. Янги цехлар, уларни керакли асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Устига-устак ўнлаб малакали мутахассисларни излаб топиб, уларнинг бошини қовуштириш осон кечмади. Қолаверса, жамоа аъзоларига етарлича шарт-шароитлар яратиб беришга тўғри келди. Ҳомашё муаммосининг ижобий ҳал этилгани ойдин йўлга чиқиб олишимиз учун ўзига хос туртки бўлди.

Мана 4 йилдирки, қорхонамиз тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган бежирим, юқори сифатли мебел маҳсулотлари ўзининг харидорлиғи билан ажралиб турибди. Бугун шуни ишон билан айти оламизки, ютуқларимиз кўпайиши асосида буюртмачиларимиз сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Ҳам сифатли, ҳам арзон, ҳам бежирим маҳсулотлар буюртмачиларимизга жуда манзур бўлаётди.

Бозор талабларини ўрганиш асосида маҳсулотлар хилини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда янги-янги андозалар асосида мебел ишлаб чиқариш таррадуди қўрилмоқда. Бундан ташқари, 20 га яқин турдаги халқ истеъмол моллари ҳамда кундалик эҳтиёжга асосатидиган буюмлар тайёрлашнинг ҳам урдадан қийинчилиги.

Дастлабки кезларда атиги 3-4 нафар ходим билан иш бошлаган бўлсак, ҳозирги кунга келиб муқим иш жойи билан таъминланганлар сонини 20 кишидан ортиб кетди. Бундан ташқари, 10 га яқин ходимни вазиятга қараб, мавсумий ишга қабул қилиш имкониятларимиз ҳам бор.

Қорхона атрофини обод ва кўркам қилиш билан чеklangчи қолмай, Ромитан шаҳри, туман ҳудудидаги қатор мактаблар, борғалар, қадимжоларнинг ободонлашувига ҳам ҳиссамиз қўшилаётганлигиндан мамнунми. Туманимиздаги 12-мактаб ва «Чарос» болалар богчасини ортиқча олганми. Ҳомийлик маддадини кўрсатиш билан қаноатланмасдан, аълочи ва жамоатчи ўқувчилар учун махсус степендиалар ташкил этишни ҳам режалаштириб турибмиз. Равшан Умедов, Одил Ортиқов, Истат Сулаймонов, Шароф Шокиров сингари қўли гул усталаримиз, ишчан малакали мутахассисларимизга таяниб, шуни айти оламизки, қорхонамиз бундан кейин ҳам ютуқларини кўпайтира олишга қодир.

**Обид АШУРОВ, «Жайхун» мебел ишлаб чиқариш қорхонаси устаси**

Намунали маҳаллалар ҳақида гап кетганда, Пахтакор туманидаги «Олтинқўл» маҳалла фуқаролар йиғини биринчилардан тилга олинади. Бу ерда амалга оширилаётган ишлар ҳар жиҳатдан ибратлидир.

Маҳаллага тадбиркор Абдуҷалил Ёрлақобов раислик қилади. Ҳамма нарса оқсоқол, фаоллар ташаббускорлиги, ишбилармонлиги, гайрат-шиқоятига боғлиқ. Сўнгги икки йил мобайнида маҳалла ҳудудида кенг қўламда ободонлаштириш ва кўкчаларнинг таъмирлиги ишлари амалга оширилди. Мавжуд 12 та кўчада минглаб мевали ва манзарали дарахт қўчатлари ўтказилди. Маҳалла «Жиззах-Ғагарин» катта йўлининг Пахтакор туманига кираверишидаги ҳудудга жойлашган. Ана шу маҳалла ободончилиғига қараб туманга баҳо берилди. Бир

гина шу йилнинг март-апрел ойларида 1852 тул манзарали, 963 тул мевали, 348 тул турли хил гул қўчатлари ўтказилди. Айниқса, Абдулло Коидрий, Нодирабегим, Шароф Рашидов, Собир Раҳимов кўча

## ТОТУВ БЎЛСАК бахтимиз барқарор

лари энг намунали кўчалардан ҳисобланади. С.Раҳимов кўчасида «Маҳалла боғи» ташкил этишга киришилди. «Ўзбекистон» ва «Тошкент» кўчалари ҳудудидаги бўш ётган жой ўрнида болалар ўйингоҳи барпо этилди. Маҳаллада жисмоний тарбия ва спортни яхшилаш мақсадида амалий ишлар қилинаётди. С.Раҳимов кўчасида мини футбол ўйингоҳи, Нодирабегим, Нурали

2003 йил — Обод маҳалла йили Қаршиев, Оқдарё, Иқбол, Олтинқўл маҳалла фуқаролар йиғини раислигида футбол майдончалари қуриш учун жой танланиб, текис-

газ келтирилди. Маҳаллада «Қалдирғоч» бадий ҳаваскорлик гуруҳи ташкил этилган. Унда 7 нафар хотин-қиз фаолият кўрсатмоқда. Тўй ва бошқа тадбирлар уларнинг иштирокисиз ўтмайди.

550 хонадон 615 оилада улгурзоронлик қилиб келаятган олтинқўлликлар ягона мақсад сари интилиб, баҳамжихат фаровон ҳаёт кечирмоқда. Маҳаллада 125 та кам таъминланган оила бўлиб, улар моддий рағбатлантирилиб бориляпти. 61 нафар 18 ёшгача, 54 нафар 2 ёшгача бўлганларга 800 минг сўмлик нафақа тарқатилмоқда.

**Бўрибой НОРКУЛОВ, «Ишонч» мухбири**

Ижтимоий ҳимоя - Давлатимиз сийосатининг устувор йўналиши. Бюджет маблағларини аниқ мақсадга қаратилган бўлиб, мамлакатимиз мудофасини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданий-маърифий муассасалар фаолиятини ривожлантириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга сарфланади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори халқ фаровонлигини ошириш, кекса авлод манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, ўсиб келаятган ёш авлодининг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан барқарол инсонлар бўлиб вояга етиши учун шарт-шароитлар яратиш беришга қаратилган. Қашқадарёда 526 та фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органи бўлиб, ҳукумат қарорларига асосан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, болали оилалар ва фарзанд тарбиялаётган

нафақа ноқонуний тайинланган. «Бўстон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи, туман марказий шифохонасининг ҳодимлар бўлими нозир вазифасида ишлаётган Н.Хўжақуловага фарзанди икки ёшга киргунча уни парвариш-

лаш учун ишлайдиган жойини курсатмасдан, қалбаки ҳужжат тақдим этиш йўли билан бир йўлга икки нафақа пули тўлаб келинган.

Қашқадарё туманидаги Сайдулло Хўжаев номли фуқаролар йиғинида эса аянам антика аҳолининг ҳуқуқлар томонидан 13 та оилага 102 минг 685 сўм фарзандлар нафақа олиш ёшидан ўтганлиғига қарамастан, болалар сонига нисбатан қўшиб ёзиш натижасида ошқича тайинлиниб, тўланган. Чирокчи туманидаги «Зарбдор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Бегнаев, котиби Х.Хасанов ва меҳнат бўлими ходими Ф.Бойқорбиловларнинг айби билан 27 холатда 527 минг 97 сўмлик нафақа пуллари ноқонуний тайинланган.

Нишон туманидаги «Наврўз»

«Ишонч» қош этади дам этиб, 3 нафар вояга етмаган фарзандига 28 минг 812 сўм нафақа олган. Фуқаро Н.Хўжаева болалар ва ўсмирлар ижодкорлик

фуқаролар йиғинида 7 оилага 127 минг 24 сўмлик, Муборак туманидаги «Сарик» қишлоқ фуқаролар йиғинида 4 холатда 68 минг 470 сўмлик нафақа пуллари амалдаги Низом қонунларига риоя қилинмасдан тўлаб юборилган.


Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича кам таъминланган оилаларга нафақа ва моддий ёрдам пуллари тўлаш меъёрларини бузганликларини бюджетдан ажратилган маблағларини ортиқча харажат қилинишига йўл қўйганликларини учун Гуздор туманидаги «Халқобод» фуқаролар йиғини раиси Н.Орипов, котиби С.Абдиев, «Пачкамар» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Т.Ғайбуллаев, котиби А.Абдуқалилов, «Ковинча» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Н.Элмуродов ва котиби А.Хўжаевларнинг ҳар бирига жарима солинди.

Ўтказилган мониторинг назорати натижалари бўйича тўплаган ҳужжатлар чора қўриш учун вилоят прокуратурасига тақдим этилди.

**Изаат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

*Юрtdoшларимизни ва соҳа  
ходимларини Ўзбекистон  
Республикаси Конституцияси  
қабул қилинганлигининг ўн  
бир йиллиги муносабати  
билан самимий  
МУБОРАКБОД ЭТАДИ*



*Барга эзу ниятларингиз  
ишобат бўлсин!*



*Жондан азиз Ватанимиз - хур  
Ўзбекистон гулаб  
яшнайверсин!*

